

ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА ПРОКУРОРНИНГ ФУНКЦИЯЛАРИ ТИЗИМИ**Олимжонов Хумоюн Жаҳонгир ўғли****Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси****Мустақил тадқиқотчи****<https://doi.org/10.5281/zenodo.18334300>**

Жиноят процессуал фаолиятда прокурор бир неча функцияларни бажаради, улардан бири жиноий таъқиб функциясидир, албатта, бу прокурор фаолиятининг ягона функцияси эмас. Бироқ прокурорнинг асосий функцияси назорат бўлиб қолаверади, дейди А.Г.Халиулин. А.Г.Халиулин фикрини давом эттирган ҳолда, жиноят ишларини юритиш жараёнида қонунларнинг ижро этилиши устидан назорат, фуқаролар ҳуқуқларига риоя этилиши устидан назорат қилиш функцияси, шубҳасиз, жиноят ишини судга қадар юритишда ҳам амалга оширилади, деб таъкидлайди. Прокурорнинг ҳуқуқни ҳимоя қилиш функциясини тан олиш қонунийликни мустақамлашга ёрдам беради¹. Асосан, бу функциялар жиноят ишини юритишнинг дастлабки босқичларида амалга оширилади, лекин бу иш юритишнинг кейинги жиноят процессуал фаолиятига катта таъсир қилади. Юқоридан маълум бўлишича, Ўзбекистон Республикаси прокуратураси кўп функцияли органлардан бири ҳисобланади. Процессуалист олимлардан бири прокурорнинг асосий функцияси назорат², бошқалар эса, прокурорнинг асосий вазифаси жиноий таъқиб қилишдир, деб таъкидлаган. О.М.Мадалиевнинг фикрича, прокурор айбловни қувватлаб, жиноий таъқиб функциясини амалга оширса ҳам, бевосита ўзи иш юзасидан ҳукм чиқара олмайди, ишни судга юборади³. В.Б.Ястребовнинг таъкидлашича, жиноятларни тергов қилиш соҳасидаги етакчи функцияни назорат сақлаб қолади, бироқ прокуратуранинг барча функциялари ўзаро чамбарчас боғлиқлигини ҳисобга олиш даркор, шу жумладан “жиноий таъқиб” ҳам муҳим рол ўйнайди⁴. Шу билан бирга, “прокуратура томонидан амалга ошириладиган жиноий таъқиб қилиш функцияси аниқ белгиланган ҳимоя йўналишига эга. Бу жиноий таъқиб ва назорат функциялари ўртасидаги ягона мақсадлар сари бирлаштиради ва буни инкор этиб бўлмайди”.⁵ С.А.Шейфернинг фикрига мувофиқ, прокурор жиноий таъқиб органи, яъни айблов ҳокимиятининг ташувчиси бўлиб келган ва шундай бўлиб қолмоқда, у жиноятларни фош қилиш, айбдорларни аниқлаш ва уларни судга топшириш бўйича фаол фаолиятни амалга оширади. Бундан ташқари, С.А.Шейфер: “Айблов (жиноий таъқиб) функциясини прокурор ҳам қўшилган айблов томонига юклаган тортишув тамойилидан келиб чиқиб, бошқа кўплаб тадқиқотчилар билан биргаликда жиноий таъқиб – бу прокурорнинг

¹ Халиулин А.Г. Осуществление функции уголовного преследования прокуратурой России. Кемерово, 1997. С. 124.

² Беляев В.П. Надзорная и иные функции прокуратуры – совместимы ли они? // Российский следователь. 2006. № 4. С. 51

³ О.М. Мадалиев Прокурор назорати. Дарслик. Умумий қисм. -Т.: ТДЮИ нашриёти, 2009. -72 бет.

⁴ Ястребов В.Б. Прокурорский надзор: учебник для юридических вузов и факультетов. 3-е изд., перераб. и доп. М.: ИКД «Зерцало-М», 2013. С. 117.

⁵ Ястребов В.Б. Прокурорский надзор: учебник для юридических вузов и факультетов. 3-е изд., перераб. и доп. М.: ИКД «Зерцало-М», 2013. С. 119.

ягона процессуал функцияси, назорат ваколатлари эса жиноий таъқибни амалга ошириш усули, воситаси эканлигини эътироф этиш лозим”, деб ҳисоблайди⁶.

Амалдаги “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунга асосланиб, Ўзбекистон Республикаси Конституциясига риоя этилишини ва қонунларнинг бажарилишини назорат қилиш прокуратуранинг асосий ва энг муҳим вазифаси эканлигини тан олиш керак. Бу назорат қонун устуворлигини таъминлаш, қонун устуворлигининг бирлиги ва уни мустаҳкамлаш, инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланидиган манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида амалга оширилади (Қонуннинг 2-моддаси)⁷.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 33-34-моддаларига кўра, прокурор айблов томон иштирокчиси бўлиб, айбланувчининг айбини исботлаш бўйича асосий юкни ўз зиммасига олади, шунингдек, прокурор давлат номидан жиноий таъқибни амалга оширади, яъни жиноят содир этган шахсни фош қилиш ваколатига эга.

Таъкидлаш лозимки, амалга ошираётган таҳлилимиз у ёки бу прокурорнинг функцияси устунлиги ёхуд муҳимлигини ажратишни эмас, балки унинг мазмун-моҳиятини тўғри тушунишни қамраб олган. Бундан ташқари, жиноий таъқибни юритиш ва терговга қадар текширув ва тезкор-қидирув фаолияти органларининг процессуал фаолиятини назорат қилиш прокурор фаолиятининг ўзаро боғлиқ томони мавжудлигини кўрсатади. Жиноят ишини қўзғатиш босқичида назорат ваколатлари прокурорга келгусида дастлабки терговнинг самарадорлигини, уни ҳар томонлама, тўла ва объектив ўрганиш, умуман олганда жиноят ишини муваффақиятли олиб бориш ва одил судловни таъминлаш учун зарур бўлади. Шундай қилиб, жиноий таъқиб унинг назорат фаолиятини амалга оширишга хизмат қилади ва терговга қадар босқичда прокурорнинг асосий вазифаси ҳисобланади. Албатта, ушбу функциялар жиноят-процессуал қонунчилик вазифаларини муваффақиятли амалга ошириш учун керак. Прокурорлар назорат ваколатлари орқали жиноий таъқиб қилади.

Юқорида олимларнинг фикри шуни кўрсатадики, прокурорнинг асосий процессуал функцияси бевосита Жиноят-процессуал кодексининг 2-моддасида кўрсатилган процессуал вазифалар билан қамраб олинади ва булар: 1) жиноятдан жабр кўрган шахслар ва ташкилотларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш; 2) шахсни ноқонуний ва асоссиз айблаш, ҳукм қилиш, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини чеклашдан ҳимоя қилиш; 3) жиноий жавобгарликка тортиш ва айбдорга адолатли жазо тайинлашда кўмаклашиш; 4) айбловдан кечган ҳолда айбсиз жиноий жавобгарликка тортилган ҳар бир шахсни реабилитация қилишдан иборат⁸.

Мазкур фуқараларнинг қонунчилик томонидан истиқдолнинг дастлабки йилларида прокуратура органларига берилиши бежиз эмас, албатта бунинг мақсади мамлакатда қонунийликни таъминлаш ва ҳуқуқ-тартиботни ўрнатишдан иборат бўлган. Ўша даврларда қонунийлик масалалари ижтимоий барқарорликни таъминлаш учун жуда зарур бўлган. Бинобарин, Ш.Хакназаров ва Д. Исраиловлар ўз тадқиқотларида

⁶ Шейфер С.А. Прокурорская и следственная власть: сущность и проблемы взаимоотношения // Уголовное судопроизводство: теория и практика. М.: Юрайт, 2011. С. 396.

⁷ Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 28 июлдаги ЎРҚ-703-сонли “Судлар тўғрисида”ги Қонуни.

⁸ Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси. – Т.: Ўзбекистон, 2025.

мустақилликнинг дастлабки йилларида юртимиздаги беқарорлик ҳолати, конституциявий тузумга бўлган тажовуз, давлат суверенитети ва уюшган жиноятчилик авж олган пайтда қонун устуворлигини таъминлаш ўта муҳим масала бўлганини қайд этади⁹. Ўша пайтларда қонун устуворлигини таъминлаш кафолатлари тизими сифатида прокуратуранинг ўрни ва роли катта бўлган. Қонунийлик принципи ҳар қандай ҳуқуқий давлат қуришнинг асосий тамойилларидан бири бўлиб қолган. Бугунги кунда ҳам Ўзбекистонда давом этаётган суд-ҳуқуқ ислохотлари айнан қонун устуворлигини таъминлаш учун амалга оширилмоқда. Жиноятларни тергов қилиш жараёнида қонун устуворлигини, шахс ва фуқароларнинг қонун билан қўриқладиган ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш учун прокурор назорати ўрнатилган ва фаолият юритади. Қонунга риоя этилишини назорат қилиш функцияси барча мамлакатларда у ёки бу шаклда мавжуд.

Айтиш лозимки, “Прокуратура тўғрисида”ги Қонун ва Жиноят-процессуал кодекси таҳлили шуни кўрсатадики, ушбу қонунларда жиноий таъқиб атамаси келтирилмаган. Фақат, Жиноят-процессуал кодексининг 603-моддасида бир марта таъқиб этилаётган шахс тилга олинганлигини кўришимиз мумкин.

Жиноят процессуал фаолияти назарияси ва амалиётини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, прокурор томонидан судгача бўлган босқичларда амалга ошириладиган жиноят таъқибининг функцияси бевосита жиноят процессуал қонунчилиги билан тартибга солинган. Жиноий таъқиб қилинаётган шахсга нисбатан тергов органларининг жиноят ишини қўзғатиш ёки рад этиш тўғрисидаги қарорини тасдиқлаш (розилик бериш)дан иборат бўлган фаолият сифатида қарашга имконини беради. Агар етарли далиллар мавжуд бўлса, гумон қилинувчига айблов эълон қилиш ва уни айбланувчи сифатида жалб қилиш, айрим терговчининг қарорларига розилик бериш, тергов муваффақиятли боришига ижобий таъсир кўрсатиш ва қонунсизликни олдини олиш учун профилактика чораларини ва бошқа процессуал мажбурлов чораларини қўллаш ва уни айблов хулосаси ёки айблов далолатномаси билан якунлаш чораларини кўради.

Adabiyotlar, References, Литературы:

1. Халиулин А.Г. Осуществление функции уголовного преследования прокуратурой России. Кемерово, 1997. С. 124.
2. Беляев В.П. Надзорная и иные функции прокуратуры – совместимы ли они? // Российский следователь. 2006. № 4. С. 51
3. О.М. Мадалиев Прокурор назорати. Дарслик. Умумий қисм. -Т.: ТДЮИ нашриёти, 2009. -72 бет.
4. Ястребов В.Б. Прокурорский надзор: учебник для юридических вузов и факультетов. 3-е изд., перераб. и доп. М.: ИКД «Зерцало-М», 2013. С. 117.
5. Ястребов В.Б. Прокурорский надзор: учебник для юридических вузов и факультетов. 3-е изд., перераб. и доп. М.: ИКД «Зерцало-М», 2013. С. 119.

⁹ Хақназаров Ш. Суднинг жиноят процесси иштирокчиларининг ҳавфсизлигини таъминлаш масалалари. Автореф.дисс...юридик. фан. фалсафа. докт (PhD). Т., Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи академия, 2023. – Б. 103-104

6. Шейфер С.А. Прокурорская и следственная власть: сущность и проблемы взаимоотношения // Уголовное судопроизводство: теория и практика. М.: Юрайт, 2011. С. 396.
7. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 28 июлдаги ЎРҚ-703-сонли “Судлар тўғрисида”ги Қонуни.
8. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси. – Т.: Ўзбекистон, 2025.
9. Хақназаров Ш. Суднинг жиноят процесси иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлаш масалалари. Автореф.дисс...юридик. фан. фалсафа. докт (PhD). Т., Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи академия, 2023. – Б. 103-104.